Маҳмудхўжа Бехбудий публицистикасида нафақат лексик сатҳда намоён бўладиган одатдаги лисоний даражаланиш ҳодисасидан, балки лозим ўринларда нутқий даражаланишдан ҳам мақсадли фойдаланилган. Жумладан, муаллифнинг “Ойина” журналининг 1914 йил 10 май сонидан эълон қилинган “Тиётр надур” номли мақоласида иш-ҳаракат лексемалари ифодалаган маънонинг услуб талаби билан даражалаб кўрсатилиш ҳолати куйидаги мисолларда акс этган: “Ул воқеадаги ёмонлик ва яхшилиқни пайдо бўлгани ва сабабини ҳар ким **кўриб, англаб, ибрат олур**”; “Ҳикоят ва ёинки насихат китобларинда баъзи бир ҳодиса баён қилингандурки, **ўқуб, асарланиб, лаззат олинадур**”; “Бир кишига ҳам **асар ёзиб, ҳам бостируб, ҳам сахнада қўйдурмоқ** мушкулдир; “Асарни ёзган муҳарирга минг сўм ва ўн минг сўмлаб **ҳадя бериб**, асарини мушаххислар **сотиб олиб, сахнада қўюб, фойда оладурлар**” [4:15-17]. Келтирилган биринчи, иккинчи, учинчи мисолларда кўриб – англаб – ибрат олур; ўқуб – асарланиб – лаззат олинадур; асар ёзиб – бостируб – сахнада қўйдурмоқ каби бирликлар морфологик таркибига кўра содда ва кўшма сўзлар ҳисобланиб, бир матн ичида қаторлашиб маънонинг кучайиб боришини таъминламоқда. Тўртинчи мисолда эса ҳадя бериб – сотиб олиб – сахнада қўюб – фойда оладурлар тобе боғланишли феълли бирикмалар маънонинг градуал ўсиши жиҳатдан, ҳаракатнинг кетма-кетлиги жиҳатдан даражаланиш ҳосил қилмоқда. Лекин бу градуаллик мазкур лексемаларнинг денотатив даражаланиши асосидаги жойлашувини акс эттирмайди ва лисоний ҳодиса ҳисобланмайди. Чунки булар матн ичида муаллифнинг публицистик нутқидагина даражаланишни юзага келтирган стилистик градация ҳисобланади.

Махмудхўжа Беҳбудий публицистикасида маънонинг даражаланиб, ошиб, кучайиб борувчи оттенкага эга бўлишини таъминлаган, мақола тилининг экспрессив имкониятларини оширишга хизмат қилган градация ходисасининг яъна баъзи типларини келтирамиз:

1. Кишиларга хос бўлган белги-хусусият маъносининг даражаланиши:

**бедониш > беҳабар > беҳавас:**

“Аmmo ҳозирги нақд айбимиз, **бедониш, беҳабар** ва **беҳаваслигимиздур**” [4:207].

**саводсиз > илмсиз > инсофсиз:**

“Ва илло, на учун **саводсиз** қози, **илмсиз** мударрис, **инсофсиз** муфтийлар оламни босди” [4:282].

2. Шахсни илм-маърифат ва ижтимоий-диний жиҳатдан тавсифлаш маъносининг даражаланиши:

**сайид > хўжа > эшон:**

“**Сайид, хўжа, ёинки эшонман** деб даъво қилгувчиларнинг, модомики, илму амаллари ҳасби шаръий бўлмаса, ул даъво ва насабларининг самараси йўқтур” [4:175].

**фузало > уламо > уқало:**

“Инчунун, Москвада барча Русия мусулмонларининг бир минг қадар **фузало, уламо** ва **уқалоси** шул федерацияни қабул этиб талаб бердилар” [4:483].

3. Инсонларга хос аниқ ва мавҳум аъзолар маъносининг даражаланиши:

**тан > жон > руҳ:**

“Бегона элларда оҳ ва нола ила жонсиз бир ҳолатда осмонга термуллуб ётган, **тани, жони** ва **руҳи** мажруҳ бир мусулмонни тасаввур этингиз” [4:175].

**мол > жон > ҳол:**

“Ҳамма биримиз охира муованат қилуб, ким **мол** ила, ким **жон** ила, ким **ҳол** ила ижтиҳод қилмоқ жумла мўминларнинг вазифалари ва бурчларидир [4:278].

4. Шахсни касб жиҳатдан тавсифлаш маъносининг даражаланиши:

**дўкончи > гилкор > косиб:**

“Бир дўкончи, бир гилкор, бир косиб учун бу тўй ва таъзиялар ўлумдан каттиғдурки, мунинг учун бечора ҳар кун ўлур” [4:54].

5. Шахсга оид моддий неъмат маъносининг даражаланиши:

**ақча > сарват > давлат > сомон**

“Дин учун, масжид ва мактаб учун **ақча, сарват, давлат, сомон** керакдур” [4:455].

6. Шахс ҳолатини ифодалаш маъносининг даражаланиши:

**аҳвол > афкор > атвор**

“Ўз замондошларининг **аҳволи, афкори, атворини** билмоқ керакдур” [4:406].

7. Шахс, нарса ва предметларга хос тааллуқлилиқ, хосса маъносининг даражаланиши:

**ибтидоий > рушдий > эъдодий > олий**

“Макотиб орасида иртибот (боғлиқлик) бўлуб, **ибтидоийлардан** (бошланғич мактаб) **рушдийларга** (тўлиқсиз ўрта мактаб), **рушдийлардан** **эъдодийларга** (ўрта мактаб) ва **эъдодийлардан олийларга** (олий мактаб) қулайлиқ ила талабалар қабул қилинадурғон усулда бўлур” [4:161].

8. Адабий жанрлар, матбуот нашрлари номларининг даражаланиши:

**қисса > ҳикоя > ғазал**

“Бизнинг халқлар андоғ китоблардан кўра хурофотлик **қисса, ҳикоя** ва ошиқона **ғазал** китоблариға зиёда рағбатлик бўлганидан моддий фойдасини кўзлаб, шундай афсона ва аслсиз китобларни таъь ва нашр этмақдамиз” (ТА, IT, 438-бет).

**китоб > жариди > мажалла**

“Танқид янги ёзилган **китоб, жариди** ва **мажаллаларға-да** жорий ва нофедур” [4:17].

9. Асосдан англашилган нарса-ҳодиса, белги билан характерланувчи ҳолатнинг даражаланиши:

**қимматчилик > қаҳатчилик > сувсизлик**

“Муҳтарам биродарлар! Ҳозирги **қимматчилик, қаҳатчилик** ва **сувсизлик** ҳаммага маълумдир” [4:477].

Юқорида таъкидланганидек, нутқий даражаланиш нафақат лесемалараро муносабатларда, балки матндаги сўз бирикмаси ва гапларнинг маъно-мазмунида ҳам воқеланиши мумкин. Бунда матнинг умумий мазмунидаги таъсирчанлик градуал ўсиш ҳолатини ўзида акс эттиради. М.Бехбудий публицистикасида айнан сўз бирикмаси ва гаплар нутқий даражаланиш ҳосил қилиб, матнда ифодаланаётган фикрдаги таъсирчанликнинг градуал ўсиш ҳолатини намоён қилган: “Ҳар дам жигарбандини **доми балоға, ўқи жафоға** ва **жаҳаннаммисол оташға** қараб интилатурган ҳолатини ёдға олиб кўнгли лахта-лахта қон бўлгувчи бечора оилаларни ёдингизға ва кўз олдингизға келтурингиз” [4:460]; “Очликдан кўп ўлумлар бўлур, очликдан бир неча касалликлар пайдо бўлур, бу касаллик бир-бировға ўтуб, бутун халойиқ барбод ўлурлар” [4:489]. Келтирилган биринчи мисолда **доми бало – ўқи жафо – жаҳаннаммисол оташ** нутқий даражаланиш қатори сўз бирикмаси ва изофали конструкциялар орқали ҳосил қилиниб, фикрдаги таъсирчанликнинг ошишига хизмат қилган. Иккинчи мисолда эса мураккаб кўшма гап компонентлари, яъни ўлумлар бўлур – касалликлар пайдо бўлур – халойиқ барбод ўлурлар предикациялари воқеа-ҳодисалар ривожда кетма-кетликда ўзаро нутқий даражаланишни ҳосил қилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, даражаланиш борлиқ ҳодисаларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлайдиган омиллардан биридир. М.Бехбудийнинг градуонимик қатор аъзоларидан ўз ўрнида маҳорат билан фойдаланиши – фикрни содда, тушунарли ва аниқ ифодалаш имконини яратган. Публицистик матнда ҳам сўзлардаги даражаланишнинг прагматик омиллар таъсирида ўз моҳиятидан

ташқарига чиқмаган ҳолда услубий вазифа бажаришини юқоридаги таҳлилларимиз исботлай олади.

### **Адабиётлар:**

1. Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик макросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1989, №6.
2. Гальперин И.Р. Stylistics. – Москва: Высшая школа, 1971.
3. Джумабоева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014.
4. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар 2-жилдлик. 1-2-жилд. (нашрга тайёрловчи Сирожиддин Аҳмад). – Тошкент: Akademnashr, 2018.

## TECHNOLOGY

### Рақамли технологиялар ва замонавий халқаро муносабатлар

Хуршида Пардаевна Дусбекова,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси  
мустақил тадқиқотчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси  
кафедра мудири с.ф.д. (PhD) Г.Саъдиева тақризи асосида

**Аннотация:** Мақолада рақамли технологиялар ва замонавий халқаро муносабатлар масаласи таҳлилга тортилиб, рақамлаштириш тизимининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш жараёни, рақамлаштириш жараёнининг назарий дискурси: асосий тушунчалар, концепция ва таҳлилий босқичлар, рақамлаштиришнинг сиёсий дискурси: рақамли сиёсат ва рақамли дипломатия, халқаро муносабатларда рақамлаштирилишнинг таҳлил қилинишида асосий омил: датафикация ва “катта маълумотлар” шунингдек, рақамлаштириш дискурсининг технологик таҳлил даражалари ва роли, халқаро муносабатларда рақамлаштиришнинг асосий компоненти сифатида рақамли дипломатия концепсиясининг шаклланиши ва ривожланишини тавсифи, халқаро муносабатларда рақамлаштиришни таҳлили, маълумотларни таҳлил қилишнинг асосий ёндашувлари ва усуллари аниқлаш масаласи тадқиқ этилган.

Шунингдек, рақамлаштириш, рақамлашув трансформацияси, сиёсатнинг рақамлашуви, рақамли дискурс, рақамли демократия, рақамли бюрократия ва рақамли дипломатия масалалари бўйича олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар илмий тадқиқ этилган. Рақамлашув сиёсати жараёни локал характерга эга бўлиб, давлатнинг доимий функциялари ва технологияларининг амалий характери билан узвий боғлиқлиги, ижимоий соҳаларда рақамли имкониятларни ошириши трансчегаравий универсал хусусиятларга эгаллиги асосланган.

**Калит сўзлар:** концепция, рақамлаштириш, рақамлашув трансформацияси, сиёсатнинг рақамлашуви, рақамли дискурс, рақамли демократия, рақамли бюрократия, рақамли дипломатия.



## **Цифровые Технологии И Современные Международные Отношения**

**Аннотация:** В статье анализируется проблема цифровых технологий и современных международных отношений, процесс возникновения, становления и развития системы цифровизации, теоретический дискурс процесса цифровизации: основные понятия, концептуально-аналитические этапы, политический дискурс цифровизации: цифровая политика и цифровая дипломатия, основные факторы анализа цифровизации в международных отношениях, фактор: датафикация и «большие данные», а также уровни и роль технологического анализа дискурса цифровизации, описание формирования и развития концепция цифровой дипломатии как основного компонента цифровизации международных отношений, анализ цифровизации международных отношений, вопрос определения основных подходов и методов анализа данных.

Также изучаются исследования проводимые учеными по вопросам цифровизации, цифровизации трансформации, цифровизации политики, цифрового дискурса, цифровой демократии, цифровой бюрократии и цифровой дипломатии. Процесс политики цифровизации носит локальный характер, неразрывно связан с практическим характером постоянных функций и технологий государства, основан на обладании трансграничными универсальными признаками, повышающими цифровые возможности в социальных сферах.

**Ключевые слова:** концепция, цифровизация, цифровизация трансформации, цифровизация политики, цифровой дискурс, цифровая демократия, цифровая бюрократия, цифровая дипломатия

### **Digital technologies and modern international relations**

**Abstract:** The article analyses the problem of digital technologies and contemporary international relations, the process of emergence, formation and development of the digitalization system, the theoretical discourse of the digitalization process: basic concepts, conceptual and analytical stages, political discourse of digitalization: digital

politics and digital diplomacy, main factors of digitalization analysis in international relations, factor: datafication and "big data", and levels and role of technological discourse analysis of digitalization, description of formation and development of late It also examines research by scholars on digitalisation, digital transformation, digitalisation of politics, digital discourse, digital democracy, digital bureaucracy and digital diplomacy. The process of digitalization policy is local, inseparable from the practical nature of permanent state functions and technologies, based on the possession of cross-border universal attributes that enhance digital capabilities in social spheres.

**Keywords:** concept, digitalisation, digital transformation, digitalisation of politics, digital discourse, digital democracy, digital bureaucracy, digital diplomacy

### КИРИШ

Рақамлаштириш - бир неча ўн йилликларни қамраб олган ҳамда узок давом этадиган жараёнидир. Аммо сўнги йилларда жадаллаштирилган рақамлаштириш жараёни содир бўлмоқда. Рақамли технологиялар оператив, концептуал ва меъёрий ўзгаришларни қамраб олиб, эътиборни янги муаммоларга қаратади ва халқаро муносабатлардаги эски дилеммаларни кучайтиради. Рақамли технологиялар оператив, концептуал ва меъёрий ўзгаришларни қамраб олиб, эътиборни янги муаммоларга қаратади ва халқаро муносабатлардаги эски дилеммаларни кучайтиради. Бунда рақамлаштириш жараёни таъсири остида пайдо бўлган махсус илмий ва сиёсий рақамли дискурс диққатни тортади.

Маълумот алмашиш - бу ахборот шаклида янги қийматни тақдим эта оладиган рақамли маълумотларга нисбатан технологик тенденция ҳисобланади. Бугунги кунда халқаро муносабатларда маълумотлар алмашинуви, яъни датификация тенденциясининг аҳамияти ошиб бормоқда.

### АСОСИЙ ҚИСМ.

Ахборотлаштириш “ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий шарт-шароитларни таъминлайдиган техник жараён ҳисобланиб, у ахборот ресурслари ва ахборот муносабатларини амалга оширишда асосий ролни

бажаради”. Рақамли маълумотлар (digital data) - бу рақамли медиа технологияларидан фойдаланиш орқали ёзиб олинган ва узатиладиган кодланган объектлар ҳисобланади.

“Рақамлаштириш” термини асосан иқтисодий жараёнларнинг бошқичларини, шунингдек “рақамли иқтисодиётнинг” шаклланишини тавсифлашда ишлатилади[1: Б.161.; 2: Б.65]. Birinchi marta “raqamlashtirish” atamasi iqtisodiy sohada ishlatilgan[3: Б.46.]. 1995-йилда америкалик информатик Н.Негропонтенинг "Being Digital" китобида моддий ва моддий бўлмаган дунёнинг тузилиши таққосланиб, унда рақамлаштириш - моддий оламни номоддий дунёга, яъни ахборот шаклига ўтказиш ҳисобланади, дея келтирилган.

“Рақамлаштириш” атамасини талқин қилишда бир қанча ёндашувлар мавжуд. Биринчи ёндашувда, тор маънода, рақамлаштириш ахборотни рақамли шаклга айлантириш, яъни рақамлаштириш сифатида қабул қилинади.

Рақамлаштиришнинг тор талқини турли соҳаларда: сиёсат, иқтисод, таълим, ҳуқуқ, давлат бошқаруви, ҳарбий ишлар ва бошқаларда кўплаб амалий тадқиқотлар йўналишлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Олимлар тадқиқотларида рақамлаштириш - рақамлашув трансформациясида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олиши билан баҳоланади[4; 5; 6; 7; 8; 9; 10].

Рақамлашув жараёни билан боғлиқ ҳар қандай ўзгаришлар мажмуи диалектик трансформация жараёнининг ижтимоий ҳаётдаги барча босқичларига асосланади.

Баъзан рақамлашув жараёни “жаҳон ҳамжамияти умум ривожланиши драйвери”[9: Б. 47] нинг синергияси сифатида кўрилади. Шундай қилиб, иккинчи ёндашувда рақамлаштириш трансформация жараёни сифатида намоён бўлади ва рақамлаштиришнинг ўзи қийматга айланади. Яъни, биринчи навбатда, ташкилий фаолиятнинг, жараён ҳамда компетенциянинг трансформациясида технологиялардан унумли фойдаланишни англатади[10: Б. 70].

Интернет рақамли технологияларнинг глобал миқёсда универсал жорий этилишига туртки бўлиб хизмат қилгани учун рақамлаштиришнинг “скелети”

хисобланади. Сиёсатни рақамлаштириш асосий сиёсий субъектларнинг кўшилиши пайтидан бошланади (давлат, унинг муассасалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва бошқаларнинг интернет фойдаланувчиларига айланиши билан). Веб-сайтлар, электрон почта, “электрон ҳукумат” рақамли тизимга ўтишнинг зарурий шартларига айланди. Бироқ, оммавий ижтимоий мулоқотнинг янги форматлари - форумлар, чатлар, блоглар, месценжерлар, ижтимоий тармоқлар сиёсатни рақамлаштириш жараёнида асосий рол ўйнади.

Бевосита сиёсат ва ижтимоий ҳаётда «рақамлашув» нинг ўрни ортиб борапти. Бунда муайян ижтимоий-техник механизмлар жамиятдан ташқарида эмас, балки жамият ичида ва жамиятда ривожланаётган жараён сифатида кўрилади[11; 12]. Таҳлилларда олимлар сиёсат ва "рақамлашув" (politics and “the digital” ва "рақамли" сиёсат) ўртасидаги ички муносабатларни объект сифатида тадқиқ этишгани ўрганилди[13: Б. 12]. Олимлар томонидан иккита асосий сиёсий-рақамлашув дискурси таҳлилга тортилади: рақамлашув сиёсати ҳамда сиёсатнинг рақамлашуви. Ушбу дискурснинг биринчиси тор маънодаги иккинчиси эса кенг маънодаги рақамлашув жараёнига мисол бўлади.

Рақамлашув сиёсати - давлат институтларини технолигик бошқариш орқали ривожлантиришдаги сиёсий восита. Ушбу жараён локал характерга эга бўлиб, давлатнинг доимий функциялари ва технологияларнинг амалий характери билан узвий боғлиқдир. Рақамлаштириш сиёсати субъективликни ва рақамли технологияларни жорий этиш билан боғлиқ жараёнларга субъектнинг мақсадли таъсири мавжудлигини назарда тутди[14: Б. 12-48].

Сиёсатнинг рақамлашуви - сиёсий муносабатларда рақамли технологияларнинг таъсирининг ортиши ва унинг объектив феноменга айланиши. Турли ижтимоий соҳаларда рақамли имкониятларни оширишда трансчегаравий универсал хусусиятларга эгадир.

Европалик тадқиқотчилар М.Кауфман ва Ж.Жандесбоз халқаро муносабатлар ва хавфсизлик масалаларини тадқиқ этган олимлар фикрларига таяниб [15: 16]

“рақамли сиёсат (digital)”ни ягона глобал ҳодиса сифатида эмас, балки ўзига хос имкониятлар тўпламига эга бўлган артефакт сифатида концептуаллаштиришни таклиф қиладилар. Улар рақамлашув жараёнини унумли ҳодиса сифатида ўрганиб, унинг сиёсат билан алоқадорлиг жихатларини тадқиқ этадилар [17: Б.515].

Россиялик сиёсатшунос А.Э. Конков томонидан ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши ва рақамли сиёсат масаласини таҳлил этилган.

Оксфорд тадқиқотчиси И.Манорнинг фикрича, рақамли жамиятни тавсифламай туриб, “рақамлаштириш” маъносини тушуниш мумкин эмас. Бунинг сабаби, масалан, оммавий дипломатия рақамли жамиятларга мансуб ижтимоий актёрлар - жамиятлар томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, оммавий дипломатия энди рақамли жамиятлар аъзоларига қарши ҳам қўлланилади. Рақамли жамиятнинг мантиқи ва маданияти дипломатлар орқали ташқи ишлар вазирликларига кириб боради. Шундай қилиб, замонавий халқ дипломатиясини таҳлил қилиш рақамли жамиятнинг қадриятлари ва меъёрларини, шунингдек рақамли жамият аъзоларининг умидларини ҳисобга олишни талаб қилади [18: Б.328].

Шундай қилиб, ахборот-кибернетик маконнинг халқаро муносабатларга таъсири глобал ахборотнинг шаклланиши билан боғлиқ [19: Б. 16]. Халқаро муносабатлар - ички сиёсий муносабатлар ва ҳудудий муносабатлардан ташқарига чиқадиган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури ҳамда янги технологиялар таъсирида ўзгариб бораётган ижтимоий тузилишга ҳам жуда боғлиқдир. Шу муносабат билан ривожланиш ва тузилиш хусусиятларини тавсифловчи замонавий ижтимоий соҳасининг тарқаққий этиш хусусиятларини концептуал-аппаратни кўриб чиқиши муҳимдир.

Британиялик социолог ва таниқли ахборот жамияти назариётчиси Ф.Вебстернинг ёзишича, теварак-атрофдаги ҳамма нарса рақамлаштирилсада, замонавий жамиятни ахборот жамиятининг янги тури сифатида талқин қилиб, ахборотни

ривожлантириш тенденцияларини таҳлил қилиш орқали замонавий жамиятни тушуниш лозим [20: Б. 90].

Замонавий жамиятда ахборот ҳодисаси масаласи Д.Белл, Г.Шиллер, Э.Гидденс, М.Кастелс З.Бауман, Ж.Хабермас ва бошқалар тадқиқотида ёритилган. Ахборот жамияти тушунчаларини тизимлаштириш Ф.Вебстернинг “Ахборот жамияти назариялари” асарида келтирилиб, унда XX-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб замонавий жамиятнинг ижтимоий назарий жиҳатларини бўйича берилган таърифларни таҳлил қилиб, уларни икки гуруҳга ажратган.

Америкалик сиёсатшунос, социолог ва давлат арбоби З.Бжезинский постиндустриал жамият назариясини Американинг халқаро геосиёсий ландшафтини бошқариш мақсадида илгари сурган. У «технотроник жамият» тушунчасини таҳлил этиб, унинг характерли жиҳати сифатида технотрон инқлобнинг дунёвий омилини очиб берди. Оммавий маданият экспорти анализида З.Бжезинский мафкуранинг тугаши ҳақида фикр билдириб «Деидеологизация электрон эшитиш-визуал алоқа воситаларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, одамларга эски кадриятлардан халос бўлган ҳолда, дунёга янгича қараш имкониятини беради» деган хулосага келган [21: Б. 9].

Япон социологи ва футурологи Й.Масуда янги жамиятнинг асосини инсоннинг ақлий қобилиятларини оширадиган компьютер технологиялари ташкил этади, деб ҳисоблайди. Унинг назариясига кўра, ахборот жамияти синфсиз, зиддиятсиз бўлади, бунда давлат аппарати сезиларли даражада қисқаради [22].

Келтирилган таҳлиллардан шуни хулоса қилиш керакки “рақамли жамият” тўғрисидаги концепция ўзининг асосий хусусиятлари билан “тармоқли жамият” тушунчасига ўхшашдир. Ундаги фарқли жиҳатлардан бири рақамли маълумотлар бўлиб бунда ижтимоий жараён марказида алгоритмлар туради, негаки улар маълумотларни анализ қилади ва маълум билим ҳамда кўникмаларга эга бўлади.

Рақамли дискурс масаласи талқинида қуйидагилар аниқланди. Рақамли дискурс

маълум узвий босқичлар натижасида пайдо бўлади: автоматизация (қўл меҳнатидан машина меҳнатига ўтиш), информатизация (маълумотларни қоғоздан элестрон шаклда сақланиши), шунингдек рақамлаштириш (рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда рақамли маълумотлар экспонинсиал ўсиши), ҳамда рақамли трансформация (бизнес моделларнинг ўзгариши). Ушбу ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий тузилмаларга таъсир этади - ижтимоий-сиёсий жамият муносабатларининг рақамлашув жараёни амалга оширилади.

Манчестер университети профессори, халқаро муносабатлар йўналиши бўйича олим О.П.Ричмонд ҳамда америкалик файласуф ва сиёсатшунос Френсис Фукуяма тадқиқотларида, хусусан, “Тарихнинг охири ва охириги одам” асари аналог халқаро муносабатларнинг апогейини эканлигини кўрсатди. Унда «Халқаро аналог» низо ва қарама-қаршилиқларнинг бир неча босқичлари билан тавсифланади: кучлар мувозанатининг аҳамияти билан боғлиқ геосиёсий босқич; глобал бошқарув ва халқаро ҳуқуқни мустаҳкамлаш билан боғлиқ либерал халқаро босқич; ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ваколатларни кучайтириш билан боғлиқ мустамлакачиликдан постколониал босқич; давлат қурилиши ва глобаллашувнинг чекланган шакллари билан боғлиқ неолиберал ва геоиқтисодий босқич [23].

Айнан неолиберализм замонавий рақамли жамият вужудга келишига катта таъсир кўрсатди. Ғарб ёзувчиси ва журналисти В.Сторр компьютерларнинг биринчи ишлаб чиқувчилари иерархиялардан холи одамлар ҳисобланиб улар ҳамма нарсани ҳал қила оладиган дунёни, марказий ҳокимиятга бўйсунмасдан, хоҳлаган тартибга келтириш имкони мавжудлигини қайд этади [24].

Кўплаб тадқиқотчилар глобаллашув ва коммуникацияларнинг фаоллашуви жараёнида ягона глобал жамият яратилаётганлигини таъкидлаб, ўзаро боғлиқликнинг кучайиши билан бирга, жаҳон жамиятининг фрагментланиши янада аниқ намоён бўлаётганлигини илмий асослашган. Айрим тадқиқотларда

асосан глобализация ҳамда илмий-техникавий босқич ва оммавий коммуникациянинг ривожланишини ўзаро боғлиқ жараён сифатида кўриб чиқилади. Шунингдек, жаҳон сиёсатидаги иштирокчилар сонининг ўсиши ва ахборот ҳажмининг ортишини бир бирига боғлайди. Уларнинг таъкидлашича, янги алоқа тармоқларини яратиш дунёнинг мураккаблашишига олиб келади.

Технология масаласи тадқиқида олимлар бир қанча назарияларни илгари суришган. Технология имкониятларини ўрганишга қайтадан мурожаат қилган халқаро олимлар технология инновация эмаслигини аниқлайдилар. Технология мавҳум тушунча бўладими ёки аниқ тадқиқот объекти бўладими, технология ўзининг хилма-хиллиги билан доимо халқаро муносабатларни ўрганишнинг марказий элементи бўлиб, айниқса назарий жиҳатдан муҳим ўринни эгалланиши алоҳида таъкидланади. Каррнинг 1945-йилдаги «Йигирма йиллик инқироз», 1977-йилда Х.Буллнинг «Анархист жамияти», 1999-йилдаги А.Вендтнинг «Халқаро сиёсатнинг ижтимоий назарияси» каби таҳлилларда жаҳон сиёсатидаги технология масаласи кенг таҳлил қилинган [25; 26].

Олим профессор К.Ройс-Смитнинг “Давлатнинг ахлоқий мақсади” китобида техниканинг чуқур тарихи борлиги, жумладан, абсолют давлатдан ўтиш конституциявий архитектурадаги ўзгаришлар технология хилма-хиллигини кўрсатишини таъкидлайди [27: Б. 199].

Умуман олганда, технологиянинг ўрни ҳар доим олимларнинг мунозаралари марказида бўлиб келган. Ушбу масалани кенгроқ кўриб чиқсак, технология тарихи давлатлар тарихи, трансмиллийизм, глобаллашув, минтақавийлашув ва парчаланиш тарихидир дейишимиз мумкин. Технология халқаро муносабатларнинг маркази бўлиб у доимо ўзгариш хусусиятига эга. Бундан келиб чиқадики, технология мавжуд парадигмалар тўплами учун синовдир.

Бугунги кунда рақамлаштириш жараёнларини тушунишда етакчи рол ўйнайдиган куч тушунчаси билимнинг турли соҳаларида асосий ва энг оммабоп бўлиб, улар орқали экспертлар жаҳон сиёсатидаги рақамлаштириш



жараёнларини изоҳлайдилар.

Ўрганилган манбалар асосида рақамлашув жараёнини уч жабҳага ажратиш ўринли: рақамли демократия, рақамли бюрократия ва рақамли дипломатия. Рақамли демократия электрон тармоқ коммуникациясини халқ дипломатиясининг делиберал механизм фаолиятини ривожлантиришда фойдаланилади. Рақамли бюрократия - “электрон ҳукумат” ҳисобланиб, давлат платформасининг рақамли технологиялар ёрдамида ривожлантириш. Рақамли дипломатия термини остида ташқи иқтисодий масаларни ҳал этишда технологиялардан фойдалиниш тушунилади. Жамоавий сиёсатда делиберализацияни ривожланиши ижтимоий тармқоларда маркетингни ривожланишига олиб келади (SMM, social media marketing).

Шундай қилиб сиёсий рақобатнинг тармоқ бўшлиғи икки босқичда амалга оширилади: макросиёсат (давлат ҳокимияти учун кураш), мегасиёсат (халқаро муносабатларнинг субъектлари орасида).

1990-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ахборот жамияти концепцияси Европа иттифоқи, Европа Кенгаши, YUNESKOнинг махсус дастурларида қўллана бошлади. 1994-йилда Европа ҳамжамиятининг комиссияси “Ахборот жамияти сари Европа йўли” ҳаракат режасини қабул қилди. Ўша йилда Финландия “Ахборот жамияти сари Финдландия йўли” дастурини қабул қилди. 1996-йилда ГФР “Германиянинг ахборот ҳамжамиятидаги йўли” номли дастурни қабул қилди [28; 29; 30].

Рақамли сиёсат рақамли демократия, рақамли бюрократия ва рақамли IT дипломатиясининг элементларини ўз ичига олади. Рақамли сиёсат - давлат, минтақавий ва глобал миқёсда рақамли трансформацияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ва амалиётлар мажмуасидир. Миллий миқёсда рақамли сиёсат асосан рақамли демократия ва рақамли бюрократия амалиётларида, шунингдек, давлат аппаратини рақамлаштириш стратегиялари ва дастурларида мужассамланган. Глобал миқёсда рақамли сиёсат рақамли

дипломатиянинг баъзи элементларини ўз ичига олади ва жаҳон сиёсатининг турли иштирокчилари ўртасида рақамлаштириш тенденциялари, меъёрлари, муаммолари ва имкониятлари ҳақида мунозаралар. Глобал йигирмалик ва БМТ каби платформаларда халқаро муносабатларни янада рақамлаштириш вектори муҳокама қилинади. Рақамли сиёсатнинг минтақавий даражаси миллий ва глобал даражадаги элементларни ўз ичига олади ва ягона рақамли кун тартибига қаратилади.

Бироқ, рақамлаштириш бўйича сиёсий дискурс рақамли сиёсат билан чекланиб қолмайди ва рақамли дипломатияни ҳам ўз ичига олади.

Рақамли дипломатия халқаро муносабатларда рақамлаштиришнинг асосий қисмидир. Рақамли дипломатия давлат даражасида устуворлик сифатида белгиланса, халқаро муносабатларда рақамлаштиришнинг асосий воситаси сифатида кўриб чиқилади. Рақамли дипломатия ташқи сиёсат мақсадларига эришиш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш усуллари тўплами бўлиб, бу асосан давлат органларининг «қўлида» бўлганлиги сабабли, бу ёндашув ўзини оқлади. Хорижий аудиторияга таъсир қилиш усуллари қуйидагилардан иборат: радио ва теледастурларни Интернетда жойлаштириш, рақамли форматда очик журналларни тарқатиш, онлайн маконда муҳокамаларни кузатиш, ижтимоий тармоқларда ҳукумат аъзоларининг шахсий саҳифаларини яратиш, цензурага қарши компьютер ускуналарини яратиш ва бошқалар.

Олимлар ушбу ҳодисани ўрганишда турли терминларни қўллашган. Цветкова Н.А., Ярыйгин Г.О., Чесноков А., Биола К., Демидов А.М., Алешкина Н.С., Кишуэва И.А., Лейс Д., Уэсткотт Н., Веррекуа Б. ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар «рақамли дипломатия» атамасидан фойдаланишса, Б.Хокинг, Ж.Мелисен, Ф.Хансон, Ал Муфтава бошқа муаллифлар “электрон дипломатия” га мурожаат қилишади. Бундан ташқари, Ярыйгин Г.О., Цветкова Н.А., Алхименков М.А. ва бошқалар “Интернет дипломатияси” атамасини ҳам ишлатадилар; Поттер Э., Барнстон Р., Стадник И.Т “кибердипломатия”

тушунчасини ишлатади. Кулл.Н, Харрис. Б. - “халқ дипломатияси Wэб 2.0”; Сандре А., Светкова Н.А., Олехова - “ижтимоий тармоқлар дипломатияси” тушунчасини ўз таҳлилий ишларида фойдаланган[31; 32; 33; 34; 35; 36; 37; 38; 39; 40].

Баъзи фарқларга қарамай тадқиқотчилар рақамли технологиялар пайдо бўлиши билан дипломатия ўзгарган деган фикрга қўшилишади. Масалан, АҚШ рақамли дипломатияси Жорж Буш президентлиги даврида ижтимоий тармоқлардаги АҚШ akkaунтларини ва бошқа интернет воситаларини бирлаштириб “Ғоялар уруши” да ғалаба қозониш воситаси ниқоби остида ривожлана бошлади. Давлат департаментининг Таълим ва маданият масалалари бюроси Facebookда ўзининг саҳифасини яратди. Шунингдек, араб, форс, урду ва бошқа тилларда блоглар ва веб- сайтлар юритиш учун 10 кишидан иборат Digital Outreach Team (DOT) ташкил этган. DOT араб блоглари ва веб-сайтларида терроризмни мафкуравий кўллаб-қувватлашга қарши туриш учун онлайн шарҳлар жойлаштириш орқали яратилган.

Мавзу тадқиқида рақамлаштиришни ўрганишга доир алоҳида ёндашувлар мавжудлиги аниқланиб унда рақамлаштиришни таҳлил қилиш даражалари ва халқаро муносабатларнинг турли парадигмаларида рақамлаштиришни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Ҳозирги босқичда рақамлаштиришнинг таъсирини таҳлил қилиш «жаҳон жамияти» даражаси учун энг мос келувчи омилдир. Бунда конструктивистлар одамлар томонидан яратилган технологияларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлган тегишли назарий ва услубий аппаратга эгадир.

Халқаро муносабатлардаги рақамлаштириш жараёнини ҳокимият мисолида кўриб чиқиш, ҳокимият ҳақидаги анъанавий геосиёсий тушунча ўз аҳамиятини йўқотаётганлигини кўрсатди. Қувват рақамли алоқада ва рақамли технологиялардаги замонавий тенденцияларда, масалан, катта маълумотлар ва сунъий интеллектни башорат қилиш ва улардан фойдаланиш қобилиятига тобора

кўпроқ жамланган.

## ХУЛОСА.

Таҳлилдан кўриниб турибдики, рақамли дипломатия, рақамли куч ва маълумотлар фиксацияси феномени (яъни рақамли маълумотлар аҳамиятининг ўсиши) тушунчаларининг шаклланиши ва ривожланиши халқаро муносабатларнинг ўзгаришига кучли таъсир кўрсатади. Агар рақамли куч рақамли суверенитетнинг бир тури бўлса, яъни ҳам ички, ҳам ташқи сиёсат билан боғлиқ бўлса, рақамли дипломатия ташқи сиёсат мақсадларини амалга оширишнинг ҳақиқий механизми ҳисобланади. Бироқ, бу тушунчаларнинг иккаласи ҳам маълумотни аниқлаш соҳасидаги замонавий тенденция хусусиятларини тушунишга асосланган.

Бутун дунё рақамли манипуляциялар ёрдамида тез ўзгариб бормоқда. Халқаро муносабатларда рақамли технологиялар куч ва ҳукумат, дипломатия, хавфсизлик ва глобал тартиб каби тушунчалар ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқишдаги ёндашувлар ривожланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, рақамли технологиялар халқаро муносабатларда тадқиқот объекти бўлиб, халқаро муносабатларининг бошқа объектларига таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан халқаро муносабатларда рақамли технологиялар ҳақида назария яратишнинг инновацион, лекин айти пайтда рефлексив усулларидан фойдаланган ҳолда халқаро тадқиқотчиларнинг фикрлари тобора ривожланиб бормоқда. Рақамли технологиялар оператив, концептуал ва меъёрий ўзгаришларни қамраб олиб, эътиборни янги муаммоларга қаратади ва халқаро муносабатлардаги эски дилеммаларни кучайтиради.

## АДАБИЁТЛАР

1. Юдина Т.Н. Цифровизация в контексте сопряженности Евразийского экономического союза и Экономического пояса Шелкового пути // Философия хозяйства. 2016. № 4 (106). С. 161-171.
2. Рогатных Е.Б. Влияние цифровизации на развитие современной мировой экономики // Цифровая экономика. 2017. Т.5. № 11. С. 64-70.
3. Халин В.Г., Чернова Г.В. Цифровизация и ее влияние на российскую экономику и общество: преимущества, вызовы, угрозы и риски. // Управленческое консультирование. 2018. № 10. С.46-63. С.47

4. Коньков А. Е. Цифровизация политики vs политика цифровизации // Вестник СанктПетербургского университета. Международные отношения. 2020. Т. 13. Вып. 1. С. 47–68. <https://doi.org/10.21638/spbu06.2020.104>;
5. Никулина Т.В. Стариченко Е.Б. (2018) Информатизация и цифровизация образования: понятия, технологии, управление // Педагогическое образование в России. № 8. С. 107–113. URL: <http://journals.uspu.ru/attachments/article/2133/14.pdf>;
6. Кобичева А.М. Барыкин С.Е. Фактор университетского образования в инновационной среде интеграции академических учреждений и бизнеса // Современная научная мысль. – 2017. - № 6. - С. 164-170.;
7. Талапина Э.В. (2018) Право и цифровизация: новые вызовы и перспективы // Журнал российского права. № 2(254). С. 5–17. DOI: 10.12737/art\_2018\_2\_1
8. Косоруков А.А. (2019) Публичная сфера и цифровое управление современным государством. М.: МАКС Пресс. Корякин В.М. (2019) «Цифровизация» общественных отношений и ее влияние на состояние коррупции в военной организации государства // Военное право. №. 1. С. 217–228.
9. Халин В.Г., Чернова Г.В. Цифровизация и ее влияние на российскую экономику и общество: преимущества, вызовы, угрозы и риски. // Управленческое консультирование. 2018. № 10. С.46-63. С.47.
10. Gobble M.M. (2018) Digital Strategy and Digital Transformation, Research-Technology Management, 61:5, 66-71.
11. Mackenzie A. (2005) The performativity of the code: software and cultures of circulation. Theory, Culture and Society 22(1): 71-92.
12. Ruppert E., Law J. and Savage M. (2013) Reassembling social science methods: The challenge of digital devices. Theory, Culture & Society 30(4): 22-46
13. Коньков А. Е. (2020). Указ. соч. С. 12.
14. Коньков А. Е. (2020). Указ. соч. С. 48.
15. Amicelle A., Aradau C. and Jeandesboz J. (2015) Questioning security devices: Performativity, resistance, politics. Security Dialogue 46(4): 293-306.
16. Jeandesboz J. (2016) Smartening border security in the European Union: An associational inquiry. Security Dialogue, doi: 10.1177/0967010616650226.
17. Kaufmann M. (2015) Resilience governance and ecosystemic space: A critical perspective on the EU approach to Internet security. Environment and Planning D: Society and Space 33(3): 512-527.
18. Manor I. Op. cit. pp. 326-327.
19. Крутских А., Бирюков А. Новая политика международных научно-технологических отношений. // Международные процессы. 2017. Т. 15. № 2 (49). С. 6-26.
20. Уэбстер Ф. Указ. соч. С. 193.
21. Brzezinski Zb. Between Two Ages. America's Role in the Technetronic Era. N.Y., 1970. P. 9
22. Masuda Y. Op. cit
23. Richmond O.P. Analog/ Digital International Relations and Global Politics // Global Dynamics. URL: <https://www.21global.ucsb.edu/global-e/january-2018/analog-digital-international-relations-and-global-politics>.
24. Storr W. Op. cit.
25. Carr, E. H. (1945) The Twenty Years' Crisis: 1919–1939.; Bull H. Op. cit.
26. Wendt A. (1999). Social Theory of International Politics (Cambridge Studies in International Relations). Cambridge: Cambridge University Press. doi:10.1017/CBO9780511612183
27. Reus-Smit Ch. The Moral Purpose of the State: Culture, Social Identity and Institutional Rationality in International Relations (Princeton, NJ: Princeton University Press, 1999, 199 pp.

28. Europe's Way to the Information Society. An Action Plan. Communication from the Commission to the Council, the European Parliament, the Economic and Social Committee of the Regions. COM (94) 347 final, 19 July 1994 [EU Commission - COM Document]
29. Ministry of Finance, Finland and TIKAS Group "Finland's way to the Information Society - The National Strategy and its Implementation", Published originally in 1994. Second Revised Edition published in 1996
30. "Info-2000: Germany's Way to the Information Society", 1996.
31. Цветкова, Н. А., Ярыгин, Г. О. (2014). Указ. соч. С. 102.; Чесноков А. Указ. соч. С. 5-6.;
32. Vjola C. (2015). Op. Cit.; Демидов А.М. Указ. соч. С. 9-12.
33. Алешкина Н.С. Указ. соч. С. 143-150.
34. Lewis D. Op. cit.
35. Westcott N. Op. cit.
36. Hocking, B., Melissen, J., Riordan, S., & Sharp, P. Op. cit.
37. Hanson F. Op. cit.
38. Al-Muftaha H., Weerakkodya V., Ranab N.P., Sivarajaha U., Irania Z. Op. cit.
39. Ярыгин Г.О., Цветкова Н.А. Указ. соч.
40. Sandre A. (2012). Twiplomacy is bringing diplomacy back to relevancy. URL: <http://www.diplomacy.edu/blog/twiplomacy-bringing-diplomacy-back-relevancy>

## **CONTENTS**

### **LITERATURE**

**Чернова Т.А.** - Азийская тема в творчестве русскоязычных поэтов Узбекистана

### **MEDICINE**

**М.И Юсупов** - Микрофлора кишечника при поносах у детей

**Назарова М.З.** - Лечение витилиго с помощью эрбиевого лазера.

### **PEDAGOGY**

**Abduvalieva Sevara** - Problems of schools and youth's opinion about education

### **PHILOLOGY**

**Sobirova Dilafruz Akrom qizi** - Repetition as one of the stylistic means of expression in complete sentences

**Sobirova Dilafruz Akrom qizi** - types of repetition and their isomorphic features in English and Uzbek languages

**Мансурбек Машарипов** - Махмудхўжа Бехбудий публицистикасида нуткий даражаланиш

### **TECHNOLOGY**

**Хуршида Пардаевна Дусбекова** - Рақамли технологиялар ва замонавий халқаро муносабатлар